

АРАБ ТИЛИДА ДИНИЙ ФРАЗЕЛОГИЗМЛАР

Шоҳиста Аллаева

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21930594>

Аннотация. Ушбу тезисда араб тилидаги диний фразеологик бирликларнинг лингвистик, семантик ва миллий-маданий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Фразеологизмларнинг араб тили лугавий бойлигини, халқнинг диний эътиқоди, маънавий дунёқараши ва миллий тафаккурини ифодалашдаги ўрни ёритилган. Хусусан, "Аллоҳ", "руҳ", "яхшилик" каби тушунчалар иштирокида шаклланган турғун иборалар араб ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг ижобий ва салбий ҳис-туйғулар, дуо, тилак, шукроналик, ҳимоя, мадад, огоҳлантириши ҳамда яхшилик истагини ифодалаш хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Шунингдек, диний фразеологик бирликларда халқнинг эътиқодий қарашлари, ахлоқий меъёрлари ва маданий қадриятларининг акс этиши мисоллар асосида очиб берилган. Тадқиқот натижасида араб ва ўзбек тилларидаги диний фразеологизмлар мазмун жиҳатидан муайян умумийликларга эга бўлиши билан бирга, уларнинг шаклий, семантик ва лингвомаданий ифодасида ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги асосланган.

Калит сўзлар: араб тили, фразеология, фразеологик бирлик, диний фразеологизм, Аллоҳ, руҳ, яхшилик, диний эътиқод, миллий дунёқараш, семантика, турғун ибора, лингвомаданият, араб ва ўзбек тиллари, қиёсий таҳлил.

Араб тилининг фразеологияси жуда хилма-хилдир. Фразеологик бирликларнинг озгина сўзлар билан кўп гапиришнинг ноёб қобилияти туфайли нутқнинг барча услубларида қўлланилади, чунки улар нафақат объектни, балки унинг белгисини ҳам, нафақат ҳаракатни, балки унинг ҳолатини ҳам белгилайди.

Араб фразеологияларининг кўп қирралилиги, авваламбор, бой тарихий, диний. лингвистик меросдан далолат беради, чунки фразеологик бирликларнинг бевосита одамлар ҳаёт турмуш тарзидан келиб чиқади. Фразеологик бирликлар араб тилининг бойлиги ва миллий ўзига хослигини аниқлайди. Фразеологияни ўрганиш нутқ маданиятини ошириш учун катта аҳамиятга эга, чунки фразеологик бирликлар тежамкор, шаклан ихчам, шубилан бирга фасоҳат ва балоғатни ўзида тилнинг ниҳоятда ифода этади. Тилдаги фраземаларнинг асосий вазифаси шуки, улар объект ёки ҳодисани номлаш билан бирга, номланган нарсаларга ҳам, кайфиятига, сифатига баҳо беришади.

Фразеологик бирликнинг асосий хусусияти шундаки, уларда маъно яхлитлиги кўзга ташланади. Фразеологизмлар, эркин иборалардан фарқли ўлароқ, нотик томонидан яратилмайди, лекин тугалланган шаклда кўпайтирилади.

Ушбу мақоланинг асосий таркибий сўзлари бўлмиш "Аллоҳ", "Руҳ", "Яхшилик" каби инсон маънавий дунёсининг кўзгусини ифода қилувчи сўзларда араб ва ўзбек халқларининг эътиқоди ва диний қарашларини ўзида акс эттиради.

"Аллоҳ" сўзи араб тилида ўзида ушбу маъноларни мужассам этади:

Аллоҳ- Худонинг исми. У Яккаю Ягона, ўхшаши ҳам тенги йўқ Зот, оламларни Яратувчиси ва Парвардигори, Қиёмат Кунининг Подшоҳидир.

Қуръони каримда Аллоҳ таъолонинг қудрати ва буюклиги ҳақида сўзланади. Унга оламдаги барча нарса бўйсуниб таслим эканлиги, ҳеч нарса

Унинг иродаси ва илмидан ташқари содир бўлмаслиги таъкидланади. У Зот барча мавжудотларини бошқариб уларни тадбир этади. Бандаларига ниҳоят даражада меҳрибон, раҳмли ва мағфиратли Зотдир. Шу маънода араб ва ўзбек тилларида қуйидаги мазмундаги иборалар мавжуд:

Араб ва ўзбек тилидаги ижобий мазмундаги Аллоҳ лафзи қатнашган баъзи иборалар; Аллоҳ махлуқотларнинг ишларини тадбир қилувчи, уларнинг насибаларини етказувчи, бандаларини ҳидоят йўлига бошловчи Зот эканлиги ҳақидаги иборалар;

Аллоҳ бандаларини ёмонликлардан сақловчи, ҳимоя қилувчи, мададкор эканини билдирувчи иборалар: عَلَيْكَ حِفْظُكَ اللَّهُ! حِفْظُكُمْ اللَّهُ! عَيْنُ اللَّهِ!

“Аллоҳнинг паноҳига. Ўзи асрасин. Ўзи мададкор бўлсин!”

Одатда видолашув пайтида, хайрлашаётганда айтиладиган иборалар: يَحْفَظُ نَفْسَهُ يَحْفَظُهُ اللَّهُ
من ;

Аллоҳга омонат ! رِعَاكَ اللَّهُ ;

Ўзи мададкор бўлсин! اللَّهُ يَحْمِي عِبِيدَهُ; Аллоҳ бандаларига мададкордир!"; الطِفْ بِعَبِيدِكَ;
; يارب ;

“Ё Аллоҳ, Ўзинг мададкор бўл!”

Хаммаси Аллоҳнинг қўлида, Унинг иродаси билан бўлишини билдирадиган иборалар. إِنْ شَاءَ اللَّهُ;
كل شيء بيد الله

كل شيء بيد الله

“Хаммаси Ўзининг қўлида. Насиб қилса. Худо хоҳласа. Аллоҳнинг изни билан”.

- Бандаларининг гуноҳларини кечиришни сўраб айтиладиган иборалар.

غفرانك ربي!

Ё Аллоҳ, кечир! Ўзинг кечир!

- Ёлғиз Аллоҳгина билувчи эканини ифодаловчи иборалар.

الله : أعلم

“Аллоҳ билгувчи. Ёлғиз Худога аён. Худо билади”

- Аллоҳ сўзи келадиган, яхши хабарни эшитганда айтиладиган иборалар.

Масалан:

Ўзингга шукур! الحمد لله! ; ўзб.. Беадад шукур!

; يارب لك الحمد; شكرًا لك! الشكر لله

يارب!

МашаАллоҳ! ما شاء الله

Аллоҳ иккингиизга ҳам баракотли қилсин! Аллоҳ муборак қилсин بَارَكَ اللَّهُ لَكُمَا

و الله ولي التوفيق! وفقك الله

Инсоннинг руҳий олами ва ички дунёсини акс эттирувчи иборалар.

2) Араб ва ўзбек тилларида "Аллоҳ" лафзи билан келган салбий ҳис туйғуларни ифода этувчи иборалар:

- Ўзбек тилида бирор ишдан, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган бирор ҳолатдан норозилик маъносида айтиладиган дуо иборалари кўплаб учрайди.

Масалан: "Ё Аллоҳ, Ўзинг асра! Ўзинг паноҳ бер! Ўзинг омонлик бер!"; الله والطف بنا
نجنا
"Ўзинг асра!"
!!سلم يارب احفظنا الله
"Ўзинг паноҳ бер!"
(асрагин! ҳифзу ҳимоянгга ол!)
أعوذ بالله.
! احفظنا الله بحفظك وارحمنا
Ўзб. Худоё, Ўзинг паноҳингда асра! Раҳматинг ила раҳм этгин
برحمتك!
اياك ان تُغضب الله
اتق الله! خف الله
Аллоҳдан қўрқкин!
Ушбу ибора бирор ҳолатга ўз муносабатини билдириш учун айтилади
Одатда, бу иборани айтаётган киши ўзи мурожаат қилаётган кишининг ўзини
тутиши, ҳаётидан, ишидан ва бошқалардан норози бўлаётганини инкор қилиш маъносида
айтилади. ! قدر الله! كفى الله الشر
"Худо сақласин!"
Бирор ишни истамаганда, бирор ёқимсиз нарсадан норози бўлганда, кишидан содир
бўлган ёқимсиз ҳолатларга муносабат билдирганда, тарихда бўлиб ўтган нохуш воқеаларни
эсга олганда айтилади.
(мас., "Мени бошимдан ўтгани бошингизга тушишидан Аллоҳ асрасин!")
! كفاك الله شر! - كفى الله الشر - "Худо олсин уни. Аллоҳ жазосини берсин" маъносидаги
иборалар: قاتله! ربنا ياخذده!
-"Аллоҳнинг жазоси" маъносидаги иборалар:
غضب من ربنا! هذا عقاب من الله
Бу Аллоҳнинг жазоси!
Яхшилик маъносини ифода этувчи фразеологик бирликлар турли маъноларда
қўлланиши мумкин:
في ساعة رضا-ساعة الحظ
Қадимда одамлар, маълум бир хайрли вақтларда бажарилган ишлар муваффақиятли
амалга ошади деб ҳисоблашган. Ҳаётнинг бундай хайрли лаҳзаларини улар "хайрли
вақт(соат)" деб аташган. Ушбу тилак кишини ишларига омад тилаганда ишлатилади.
Яхшилик маъносидаги сўзлар қатнашган фразеологик бирликлар саломлашув
иборалари бўлиб келиши ҳам мумкин.
Масалан: «Хуш келибсиз!»
مرحبا! أهلاً وسهلاً!
Ушбу ибора меҳмонлар келганда салом тариқасида қўлланиши мумкин.
Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз керакки, юқорида зикри келтирилган "Аллоҳ",
"жон", "яхшилик" сўзлари иштирок этган турғун иборалар аксар ҳолатларда ҳам маъно ҳам
тузилиш жиҳатидан ўхшаш бўлсада, баъзида маъноси мос келиб, шаклан эсатубдан фарқ
қилади.

- Ушбу барқарор ибораларда араб ва ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг ахлоқий меъёри мужассам бўлган.

- Эътиқодий дунёқараш туфайли шаклланган фразеологик иборалар ўша халқ тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ушбу ибораларни ўзлаштириш туфайли араб ва ўзбек маданияти вакиллариининг маънавий ҳаёти ҳақида янада кенгроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

- Инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг кўп эканлиги эътиқод ҳамда диний дунёқараш халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланганини билдириб, ушбу ибораларда ўз ифодасини топган.